



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 14 - avgust

7894 -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Сетназарова Қурвонойнинг
турар жой биносига бўлган эгалик
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида яшовчи фуқаро Сетназарова Қурвонойнинг “Абу Райхон Беруний” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 31 мартдаги ШЯ-С-1435-сонли аризасини, “Абу Райхон Беруний” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 31 мартдаги 1077-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида жойлашган Литер 0001 ушбу турар жой биноси 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 48,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 97,6 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 145,6 квадрат метр, қурилиш ости майдони 211,95 квадрат метр, Литер 0002 ушбу турар жой биноси 6 (олти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 39,6 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 96,7 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 136,3 квадрат метр, қурилиш ости майдони 91,3 квадрат метр, жами яшаш хона ички ўлчами 87,6 квадрат метр, жами ёрдамчи бино ички ўлчами 194,3 квадрат метр, жами ички ўлчами 281,9 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 303,25 квадрат метр, жами умумий ер майдони 750,2 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Сетназарова Қурвонойга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Сетназарова Қурвонойга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Сетназарова Қурвонойга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев